

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

БОЛТАЕВА МАЛИКА МИРАЛИЕВНА

**ГИПОКСИК-ИШЕМИК ГЕНЕЗЛИ ПЕРИНАТАЛ КАСАЛЛИКНИ
КАМАЙТИРИШ УЧУН ХОМИЛА ГИПОКСИЯСИНИ ПРОГНОЗ
ҚИЛИШ ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Болтаева Малика Миралиевна

Гипоксик-ишемик генезли перинатал касалликни камайтириш учун
хомила гипоксиясини прогноз қилиш ва эрта ташхислашнинг замонавий
жиҳатлари..... 3

Болтаева Малика Миралиевна

Современные аспекты прогнозирования и ранней диагностики
фетальной гипоксии для снижения перинатальной заболеваемости
гипоксического - ишемического генеза..... 23

Boltaeva Malika Miralievna

Modern aspects of prediction and early diagnosis of fetal hypoxia to reduce
the perinatal morbidity in hypoxic-ischemic
genesis..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

БОЛТАЕВА МАЛИКА МИРАЛИЕВНА

**ГИПОКСИК-ИШЕМИК ГЕНЕЗЛИ ПЕРИНАТАЛ КАСАЛЛИКНИ
КАМАЙТИРИШ УЧУН ХОМИЛА ГИПОКСИЯСИНИ ПРОГНОЗ
ҚИЛИШ ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3684 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Негматуллева Мастура Нуруллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Каримова Нилуфар Набижановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Старцова Надежда Михайловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Манзил: 200125, Бухоро шаҳри, А.Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Бухоро шаҳри, А.Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./факс: +99865223-00-50, Web sayt: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ куни тарқатилган.

(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гипоксик-ишемик энцефалопатия (ГИЭ) янги туғилган чақалоқлар бош мияси ва у билан боғлиқ бўлган бошқа аъзоларга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган долзарб патологиядир. Ушбу касаллик асосан хомиланинг пренатал ёки интранатал даврида гипоксия ва ишемия натижасида юзага келади. “...перинатал даврда бош мия гипоксик-ишемик зарарланишининг ўрта оғир ва оғир даражаларида марказий нерв тизимида қайтмас структур шикастланишлар қайд этилади ва бу ўз навбатида қайтмас асоратлар ривожланишига олиб келади. Кўрсатилган клиник ўзгаришлар амалий жиҳатдан деярли ҳар доим болада турли даражали психомотор ривожланишдан орқада қолиши билан кечади...”¹ ЖССТ маълумотларига кўра, перинатал асфиксия глобал ўлим кўрсаткичларининг 23% ни ташкил қилади, бу эса эрта ташхис ва профилактиканинг муҳимлигини таъкидлайди.

Дунёда ГИЭ ташхисини қўйишда оғирлик даражасини аниқлашнинг кўплаб клиник-лаборатор усуллари мавжуд бўлишига қарамай, ушбу ташхисни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун махсус тестлар мавжуд эмас. Гипоксик ишемиядан сўнг неонатал мия шикастланиш механизмларини ўрганиш бўйича олиб борилган кўплаб экспериментал ва клиник тадқиқотлар натижалари ГИЭда нейронларда яллиғланиш жараёни бўлиши муҳим патогенетик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, яллиғланишни қўзғатувчи цитокинларнинг таъсирини ўрганиш ГИЭ ва унинг асоратларини олдини олишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Республикамизда перинатал даврда бош миянинг гипоксик-ишемик зарарланиши янги туғилган чақалоқлар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб, оқибатда эса ногиронликка олиб келувчи МНТ оғир патологиялари ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. “...бир неча ўн йиллар олдинги даврда чала туғилган болаларнинг яшаб кетиши имкониятлари жуда кам бўлган бўлса, ҳозирги вақтдаги тадбиқ этилган имкониятлар натижасида чала туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, хомиланинг ўткир ва сурункали гипоксиясини ва летал оқибатларни бартараф этиш бундай болаларнинг ҳаётга мослашиб яшаб кетишига имкон бермоқда...”². Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш, айниқса акушерлик хизмати ривожланганига қарамай, перинатал патология частотаси 60,5% атрофида бўлиб, пасайиш тенденциясига эга эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”³ ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-

¹ Di Muzio B, Kusel K, Sharma R, et al. Neonatal hypoxic-ischemic encephalopathy. Reference article, Radiopaedia.org (Accessed on 23 Jul 2025) <https://doi.org/10.53347/rID-12856>

² Мамадалиева, С., Алиев, М., Мамадалиев А. (2022). Перинатальные поражения центральной нервной системы и их последствия. Журнал вестник врача, 1(2),

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60 сонли қарори.

санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда янги туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимининг (МАТ) перинатал зарарланиши бутун жаҳонда перинатологиянинг асосий муаммосига айланди. Дунё бўйлаб қатор тадқиқотчи олимларнинг фикрига кўра, ҳомила ва янги туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимининг гипоксик-ишемик генезли шикастланиши асаб тизими патологиясининг ривожланишига асосланади ва уларнинг эрта болалиқдан кейинги даврда ривожланишини белгилаб бериши мумкин. (Annink K., Burns-Benggon J., Kim P., 2019; Maiwald C., Rudiger M., 2022; Reis H., 2024).

Марказий асаб тизимининг гипоксик-ишемик генезли шикастланиши бошқа неврологик касалликлар орасида истикболи энг хавфли патологиялардан бири бўлиб, у кейинчалик бундай касаллиги мавжуд болаларнинг жамиятга тўғри мослаша олмаслиги, оғир ногиронлик ҳолатларининг ривожланишига олиб келади. (Ануриев А.М., Блинов Д.В., Горбачев Б.И., Корсакова С.С., 2019; Липатов И.С., 2021).

Ҳомиланинг бачадоничи гипоксияси янги туғилган чақалоқларда гипоксик ишемия билан боғлиқ мия шикастланишини оширади, перинатологияда ҳомила стресси ва оғир энцефалопатиянинг патофизиологик механизмлари ўртасидаги муносабатларини ёритиб беради (Алиев М., 2022; Мухторова С.Н., 2023).

Шу муносабат билан замонавий диагностика усулларидадан фойдаланган ҳолда кенг қамровли тадқиқот ўтказиш перинатологиянинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланиб, уни прогнозлаш, эрта ташхис қўйиш ва туғруқни бошқариш учун етарли тактикани танлаш имконини яратиши мумкин (Исанова Ш.Т., Холликулова М.А., Джурабекова А.Т., 2025).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот

ишлари режасига мувофиқ "COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолисига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олишнинг янги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш" (07.2025.PhD.228) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: клиник-лаборатор, гемодинамик, иммунологик, функционал диагностик маркерлар асосида фетал гипоксияни эрта башоратлаб перинатал касалланишни камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фетал гипоксия ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни олиб боришнинг босқичма-босқич ёндашувини ишлаб чиқиш;

фетал гипоксия ривожланишини башоратлашда клиник-лаборатор, функционал-диагностик маркерларнинг аҳамиятини баҳолаш ва оптимал терапия усуллари танлаш;

фетал гипоксия ҳолатларида акушерлик тактикасини танлаш ва уларнинг туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия клиник белгилари ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш;

ҳомиладорлик давридаги онадаги гемодинамик, гемостатик бузилишларнинг туғилган чақалоқлар имун тизими ва гипоксик – ишемик энцефалопатия (ГИЭ) шаклланишига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гипоксик ишемик генезли перинатал патология хавф гуруҳларини аниқлаш мақсадида, гипоксик-ишемик генезли перинатал касаллик ташхиси қўйилган 100 нафар чақалоқларнинг ривожланиш ва оналарининг касаллик тарихи ретроспектив ўрганилган. Проспектив 115 нафар ҳомиладор аёл чуқур кўрикдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида янги туғилган чақалоқнинг киндик тизимчасидан олинган қон ва она қони зардобини ҳамда плацента олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор, биокимёвий, морфологик, иммунологик, УТТ-доплерометрия ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фетал гипоксия ривожланиш хавфини башоратлашда она организмнинг преморбид фони (сузунрали анемия, оғир преэклампсия, кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари) ва лаборатор кўрсаткичлар (умумий қон таҳлили, қон ивиш тизими, С-реактив оксил), шунингдек, хорион қалинлиги ва сариклик ҳалтасининг ривожланишдан ортда қолиши каби ҳомилага оид маркерларнинг ўзаро боғлиқлиги комплекс таҳлил қилиниб, уларнинг прогностик аҳамияти асосланган;

ҳомилада гемодинамик бузилишларнинг эрта прогностик белгиси сифатида бачадон–плацента–ҳоилага регионидagi қон оқимини комплекс (резистентлик индекси (RI), пулсация индекси (PI) ҳомиланинг ўрта мия артериясида пасайиши, киндик ва бачадон артерияларида эса ортиши) ўрганишнинг гипоксик-ишемик энцефалопатия (ГИЭ) ривожланишидаги роли илмий равишда исботланган;

фетал гипоксия ҳолатларида церебро–плацентал индекс (СРІ)нинг <0,8 бўлиши хомиланинг туғруқ стрессини енгиш имконияти чекланганлигининг «қизил чизиқ» (red-line) кўрсаткичи экани ва туғруқни кесарча кесиш йўли билан олиб бориш гипоксик-ишемик энцефалопатия (ГИЭ) ривожланиш хавфини 2,1 бараварга камайтиргани исботланган;

онадаги гемореологик кўрсаткичлар (D-димер, лейкоцитлар, ЭЧТ, С-реактив оқсил) билан хомиланинг иммун жавоб маркерлари (IL-6, IL-10, TNF-α) ўртасидаги боғлиқлик аниқланиб, уларнинг ГИЭни башоратлашда ва эрта профилактик терапия тактикасидаги аҳамияти асослаб берилди ҳамда шу асосда юқори хавфли гуруҳларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг босқичма-босқич алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомила гипоксияси хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳлари аниқланиши асосида ҳомилада гипоксик ҳолатларни башорат қилиш ва эрта ташхислаш, йўлдош – ҳомила тизимида қон айланиш бузилишларини олдини олиш, коррекция қилиш орқали хомиланинг бош мия дисфункцияси ва унинг оқибатлари ривожланиш тезлигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ҳомила гипоксия даражасига асосланган ҳолда туғруқ тактикасини танлаш гипоксик-ишемик генезли перинатал касаллик клиник кечиши оғирлигини камайтиришга ёрдам берганлиги асосланган;

ҳомиладорлик даврида онада юзага келаган гемодинамик ва гемостатик бузилишларининг янги туғилган чақалоқлар иммун тизимига таъсири аниқланиб, ГИЭнинг башорат қилувчи омили сифатида баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи инструментал, клиник, лаборатор, скрининг ва статистик усулларнинг қўлланилганлиги, етарли миқдордаги текширилган аёллар сони, олинган маълумотларнинг соҳадаги маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар натижалари билан таққосланиши, шунингдек хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, фетал гипоксия белгиларини башорат қилиш ва эрта ташхислаш, бачадон-йўлдош–ҳомила тизими қон айланишидаги бузилишларни олдини олиш ва самарали даволаш чора-тадбирлари ҳомиладаги мия дисфункцияси ва унинг оқибатларини камайтиришнинг комплекс усулларини такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий хулосалар ҳомила ва янги туғилган чақалоқларда мия фаолиятининг бузилишини клиник, лаборатор, инструментал диагностика усуллари орқали эрта башорат қилиш имконини берадиган белгиларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу эса

ГИЭнинг олдини олиш чораларини амалга оширишда мақсадли тадбирларни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипоксик-ишемик генезли перинатал касалликни камайтириш учун хомила гипоксияни прогноз қилиш ва эрта ташхислашнинг замонавий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида: “Гипоксик-ишемик генезли патологияларни даволаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида плацента тўқималарида морфологик ўзгаришларни ўрганиш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2025 йил 28 февралдаги 25-т/041-сон маълумотномаси). Бу услубий тавсиялар хавф гуруҳига кирувчи аёлларда фетал гипоксиясини башорат қилиш ва эрта ташхислаш, янги туғилган чақалоқларнинг гипоксик-ишемик генезли ПК билан касалланиш даражасини қисқартириш имконини берган;

ўтказилган тадқиқотлар натижаси Бухоро вилоятидаги Бухоро шаҳар туғруқ комплекси (2025 йил 10 апрелдаги №53 сонли) буйруғи ва Андижон шаҳар 2-сон туғруқ комплекси (2025 йил 10 апрелдаги №55 сонли) буйруғи асосида амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/10-сонли хулосаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар хавф гуруҳига кирувчи хомиладор аёлларда фетал гипоксиясини башоратлаш ва эрта ташхислаш, гипоксик-ишемик генезли перинатал касаллик учраши ҳамда чақалоқлар ногиронлиги сонини қисқартириш, оптимал туғруқ муддати, акушерлик тактикасини белгилаш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилашга хизмат қилган;

Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: хавф гуруҳига кирувчи беморларни танлаш орқали уларга индивидуал ёндашиш орқали чақалоқларда фетал гипоксия асорати сифатида ривожланадиган ГИЭ ҳамда ногиронликни олдини олишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* беморларни клиник-анамнестик маълумотларга кўра саралаш натижасида лаборатория таҳлиллари учун сарфланадиган харажатларни камайтириш имконияти яратилган, бунда ҳар бир беморда 900.000 сўм, тадқиқот жараёнида кузатувда бўлган 115 нафар беморда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан эса 103 500 000 сўм иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* Фетал гипоксия хавфи мавжуд беморларни саралаш муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, усул ўзининг иқтисодий самарадорлигини исботланган.

Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган функционал диагностик усулларни амалиётга жорий этиш орқали ҳомиланинг бачадоничи гипоксия ҳолатларида асоратларни эрта аниқлаш ва даволаш самарадорлигини оширишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Хавф гуруҳига мансуб аёлларда таклиф этилган функционал-диагностик усулларни қўллаш натижасида ГИЭ ривожланиш хавфини эрта босқичларда аниқлаш имконияти пайдо бўлди, натижада унга сарфланадиган функционал диагностика таҳлиллари харажатлари қисқартирилди. Ҳар бир

бемор учун ўртача 670 000 сўм, жами 115 нафар бемор учун 77 050 000 сўм маблағ тежалди. *Хулоса:* Фетал гипоксия хавфи юқори бўлган аёлларда функционал диагностик кўрсаткичлар асосида эрта башорат қилиш ва патогенетик ёндашув орқали асоратларнинг олдини олиш имкони яратилди.

Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Аниқланган гипоксия ҳолатларида тўғри туғруқ усулини танлаш чақалоқларда оғир ГИЭ асоратларини олдини олишга хисса қўшди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ГИЭ оғир формаларини олдини олиш ҳисобига болалар реанимациясига йўлланиш ҳолатлари 37% га камайди. Ҳар бир бемор учун ўртача 1 000 000 сўм, жами 115 нафар чақалоқ учун 115 000 000 сўм тежалди. *Хулоса:* Туғруқ тактикасига индивидуал ёндашиш гипоксик асоратларни камайтиришда самарали йўналиш эканлиги тасдиқланди. Ушбу усул клиник амалиётда кенг қўллашга тавсия этилади.

Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: иммун тизим етишмовчилигига боғлиқ асоратлар 40% га камайтирилди. Бу амалиётда чақалоқларнинг ҳолатини барқарорлаштириш ва неврологик нуқсонларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқотда қиммат иммунокорригирловчи воситаларга эҳтиёж камайди. Бу эса бир чақалоқ учун ўртача 1 200 000 сўм миқдоридаги шифохона харажатларини тежаш имконини берди. Тадқиқот доирасида 115 нафар чақалоқ учун жами 138 000 000 сўм тежалди. *Хулоса:* Иммун тизимига таъсир қилувчи омилларни эрта аниқлаш ва улар асосида даволашни бошлаш гипоксик асоратларни самарали олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу усул клиник амалиётга жорий этиш учун асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий конференцияда, шу жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ушбу диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруратига асосланилиб, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган бўлиб, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баёнида олинган натижалар таҳлилининг ишончлилигига асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий


қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Гипоксик-ишемик генезли перинатал касалликни камайтириш учун фетал гипоксиясини эрта ташхислашнинг замонавий жиҳатлари»** бобида хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари мисолида адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган, адабиётлар маълумотлари асосида янги туғилган чақалоқларда хомила гипоксияси ва перинатал мия шикастланишининг этиологияси ва патогенези, замонавий жиҳатлари, клиник кечишининг диагностик мезонлари, хомиланинг анте ва интранатал гипоксия ҳолатида акушерлик тактикасининг ўзига хос хусусиятлари, антенатал хомила гипоксиясида плацента морфологик тузилишининг хусусиятлари масалалари чуқур таҳлил қилинган, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаганлиги ва аниқлаштирилиши кераклиги асосланган.

Диссертациянинг **«Гипоксик-ишемик генезли перинатал касалликни камайтириш учун фетал гипоксиясини эрта ташхислашнинг замонавий жиҳатлари бўйича тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган асосий тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Тадқиқот 2023 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда, Бухоро давлат тиббиёт институти “Оилавий тиббиётда акушерлик ва гинекология” кафедрасида, РИОваБСИАТМ ДМ Бухоро филиали базасида, ҳамда ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти Бухоро филиалида бажарилган.

Перинатал патология хавф гуруҳини аниқлаш учун 100 нафар МНТ нинг перинатал зарарланиши ташхиси қўйилган чақалоқлар ривожланиш ва аёлларнинг туғруқ тарихи ретроспектив равишда ўрганилган. Проспектив тарзда 115 нафар аёл ташкил этган, уларнинг 30 нафари хомиладорлик даври ва туғруқнинг физиологик кечиши кузатилган (1-назорат гуруҳи) аёллар бўлиб, 85 нафарини хомила гипоксияси ривожланиш хавфи бўлган хомиладорлар ташкил этган. 2-асосий гуруҳни фетал гипоксия профилактик терапиясини олмаган ёки биринчи триместрнинг кечки муддатларида олган 41 нафар хомиладор аёл, 3- таққослаш гуруҳини хомиладорликнинг эрта муддатларида кенг қамровли текширувдан ўтган ва хомила гипоксиясининг олдини олишга қаратилган терапия олган 44 нафар хомиладор аёл ташкил этган.

Хомиладор аёлларнинг туғруқ муддати ва усуллари таҳлил қилинди ва куйидагилар аниқланди: 1-назорат гуруҳида барча беморларда муддатдаги табиий туғруқ кузатилди (100%, n=30). 2-гуруҳда: (46,3%, n=19) ҳолатда — муддатдан олдин туғруқ, (53,6%, n=22) ҳолатда — муддатдаги туғруқ, шулардан (34,1%, n=14) да — табиий (вагинал) туғруқ, (65,8%, n=27) ҳолатда — оператив туғруқ кузатилган 3-гуруҳда: (13,6%, n=6) ҳолатда — муддатдан олдин туғруқ, (86,3%, n=38) ҳолатда — муддатдаги туғруқ кузатилди, шулардан (77,2%, n=34) — табиий (вагинал) туғруқ, (22,7%, n=10) — оператив туғруқ бўлган (1-расм).



1-расм. Тадқиқотдаги ҳомиладор аёлларнинг гестацион муддати ва туғруқ усули таҳлили (%)

Клиник-лаборатор текширувлар онанинг умумий қон таҳлили, СРО, гемостаз тизими ҳолатини ўрганиш ва янги туғилган чақалоқ киндик қонида интерлейкинларни (IL-6, IL-10 ва TNF- α) ўрганишни ўз ичига олган. Бу учун «HumanCount 3OTS/HumanCount 60TS» автомат гематологик анализатори, «Human Clot Junior» коагулометр аппарати ва «Вектор-Бест» (Россия) иммунофермент анализатори аппаратларидан фойдаланилган.

Функционал – диагностик текширувларда бачадон-плацента-ҳомила тизими доплерометрияси (RI, PI), фетометрия, плацентометрия ҳамда плацента морфологияси ўрганилган. Бу тадқиқотлар Алока 1400, TOSHIBA (Ессосее) ССА-340А (Япония) аппарати ва "Leica дм 1000" микроскопи ёрдамида таҳлил қилинган.

Материалларни статистик қайта ишлаш вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилди. Статистик таҳлил "Dell XPS 13" процессори базасидаги шахсий компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун мўлжалланган дастурий комплексдан фойдаланган ҳолда ўтказилди.


Диссертациянинг учинчи «Ретроспектив таҳлил. Янги туғилган чақалоқларда ГИЭ ривожланиши учун хавф омиллари» бобида 100 нафар онанинг ва янги туғилган чақалоқнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Ретроспектив гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда ГИЭ ривожланишидаги энг муҳим патологиялар таҳлили ўтказилган. Хавф омиллари орасида етакчи ўринларни турли оғирликдаги анемиялар 85%, кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари 44% ва оғир преэклампсия (38%) эгаллаган (1-жадвал).

Ретроспектив гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда ГИЭ ривожланишидаги патологиялар таҳлили (%) n=100

№	Генитал патологиялар		Экстрагенитал патологиялар		Ҳомиладорлик ва туғруқ пайтидаги патологиялар	
	касаллик	(%)	касаллик	(%)	касаллик	(%)
1	Кичик чаноқ аъзоларининг яллиғланиш касалликлари	44	Сурункали анемиялар	85	Оғир преэклампсия	38
2	Бола тушиши ва абортлар	18	Эндокрин тизим касалликлари	33	Туғруқ индукцияси ва ноэффектив туғруқ индукцияси	32
3	Бирламчи ва иккиламчи бепуштлик	11	ЎРИ	12	Ҳомиладорлик гипертензияси	17
4	Эктопик ҳомиладорлик	8	Овқат хазм қилиш тизими касалликлари	5	Қониқарсиз туғруқ жараёни	11
5	Бачадон эрозияси	4	ЮҚТК	4	Йўлдошнинг олдина ётиши	5

Паритет ва туғруқлар сонига кўра, биринчи марта туғруқ 15% (n=15); иккинчи марта туғруқ 60% (n=60); кўп марта туғруқ 25% (n=25) кузатилган. Ретроспектив гуруҳдаги аёлларда туғруқ муддати ва тури ўрганилганда, 55% (n=55) и муддатдан олдинги туғруқлар бўлиб (24-36 ҳафталарда) шулардан 12% (n=12) и табиий усулда ва 43% (n=43) жарроҳлик усулида, 45% (n=45) чақалоқлар ўз муддатида (37-41 ҳафта ичида) туғилиб, шулардан 23% (n=23) и табиий усулда ва 22% (n=22) жарроҳлик усулида туғилган.

Ретроспектив гуруҳдаги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини ретроспектив таҳлил қилинган ва баҳоланган. Гипоксик-ишемик энцефалопатия (ГИЭ) янги туғилган чақалоқлардаги клиник синдромлари ўрганилган ва таҳлил қилинган (2-расм).



2-расм. Ретроспектив гуруҳдаги туғилган чақалоқларнинг ҳолати таҳлили % (n = 100).

Диссертациянинг «Текширув гуруҳидаги хомиладор аёлларнинг клиничко-лаборатор кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатлари» деб номланган тўртинчи бобида 115 нафар аёлнинг клиничко-лаборатор кўрсаткичлари таҳлили ва чақалоқларнинг киндик тизимчасидан олинган қондаги интерлейкинларнинг текширув натижалари келтирилган. Гематологик параметрлардан: периферик қондаги шаклли кон таначалари микдори, гематокрит ва ЭЧТ аниқланган. Назорат гуруҳидаги оналарда деярли барча маълумотлар нормал қийматларнинг юқори ва/ёки пастки чегараларида бўлган. 2-асосий гуруҳ оналарнинг гематологик параметрларини ўрганилганда 1-назорат гуруҳига нисбатан ўзгаришлар: эритроцитлар умумий сони 1,13 марта пасайиш ($p<0.05$), гемоглобин 1,3 марта пасайиш ($p<0,05$), гематокрит 1,11 марта пасайиш, ($p<0.05$), тромбоцитлар 1,15 марта пасайиш ($p<0,05$) лейкоцитлар 1,21 марта ошиши ($p<0,05$) ҳамда ЭЧТнинг 1,86 марта ошиши ($p<0.05$) қайд этилди. Олинган натижаларнинг 3-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан номутаносиблиги аниқланади. Эритроцитлар умумий сони 1,06 марта пасайиш ($p<0.05$), гемоглобин 1,23 марта пасайиш, ($p<0,05$), гематокрит 1,08 марта пасайиши, ($p<0.05$), тромбоцитлар сонида сезиларли фарқ кузатилмаган ҳолда, қонда лейкоцитлар 1,08 марта ошиши ($p<0,05$), ЭЧТнинг 1,48 марта ошиши ($p<0.05$) қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларидаги хомиладор аёллар гематологик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили, (n=115)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари		
	1- назорат гуруҳи, n=30	2- асосий гуруҳ n=41	3-таққослаш гуруҳи n=44
Гемоглобин, г/л	112,5±1,48	88,8±1,26* ↓ ^	91,1±1,57* ↓
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	3,23±0,06	2,84±0,08* ↓	3,03±0,7* ↓
Лейкоцитлар, $10^9/л$	8,57±0,36	10,4±0,74* ↑ ^	9,27±0,27↑
Тромбоцитлар, $10^9/л$	233,7±7,24	202,8±2,87* ↓ ^	220,2±6,19 ↔
Гематокрит, %	33,2±0,68	29,8±0,49* ↓	30,6±0,47* ↓
ЭЧТ, мм/соат	11,9±0,93	22,1±1,04* ↑ ^	17,6±0,76* ↑

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқнинг белгиси; ↑, ↓ - ўзгариш йўналишлари; ↔ - сезиларли фарқ йўқ; ^ - 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ белгиси.

Тадқиқотдаги аёлларда қон ивиш тизимининг асосий параметрлари – фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), протромбин вақти (ПВ), протромбин индекси (ПТИ), фибриноген, Д-димер ва халқаро нормаллаштирилган нисбат (ХНН) ўрганилди. 1-назорат гуруҳида деярли барча кўрсаткичлар физиологик меъёрда бўлган. 2-гуруҳ учун олинган натижалар 1-назорат гуруҳидан бироз фарқ қилди, ишончли фарқлар ФҚТВ билан боғлиқ 2,33 марта пасайиш ($p<0.05$), ХНН билан боғлиқ 1,3 марта пасайиш ($p<0.05$), ПТИ 1,12 марта ўсиш ($p<0.001$) ва Д-димер 3,34 марта ортиши, ($p<0.001$) кузатилди. 2 параметр (ПВ ва фибриноген) назорат

маълумотларидан сезиларли фарқ қилмади ($p > 0.05$). 3-гурӯх натижаларидаги ўзгаришларнинг тенденцияси ва интенсивлиги 2-гурӯх натижалари билан бир хил эканлиги кузатилган, ФҚТВ билан боғлиқ 1,07 марта пасайиш ($p < 0,05$), ХНН билан боғлиқ 1,15 марта пасайиш ($p < 0,05$), ПТИ 1,0 марта ўсиш ($p < 0,001$) ва Д-димер 2,85 марта ортиши, ($p < 0.001$) кузатилган ($p < 0.001$), (3-жадвал).


3-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларидаги оналарнинг қон ивиш тизимига оид асосий кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили, (n=115)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари		
	1 назорат гуруҳи n=30	2- асосий гуруҳ, n=41	3- таққослаш гуруҳ, n=44
ФҚТВ, сек	30,56±0,59	13,1±0,67* ↓ ^	28,6±0,81 ↓ ^
ПВ, сек	13,23±0,18	13,3±0,51* ↔	13,1±0,67* ↔
ПТИ, %	80,6±4,18	90,1±0,48* ↑ ^	85,9±2,15* ↑ ^
Фибриноген, г/л	3,36±0,07	3,49±0,13 ↔	3,41±0,13 ↔
Д-димер, мг/л	0,79±0,04	2,64±0,19* ↑ ^	2,25±0,13* ↑ ^
ХНН, ед	1,04±0,005	0,8±0,03 ↓	0,9±0,03 ↓


Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқнинг белгиси; ↑, ↓ - ўзгариш йўналишлари; ↔ - сезиларли фарқ йўқ; ^ - 1-гурӯх кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ белгиси.

Бундан ташқари тадқиқот гуруҳидаги аёлларда С-реактив оқсил (СРО) солиштирма таҳлили ўтказилди. Тадқиқот натижалари шундай кўрсатдики, 1-гурӯхдаги аёлларда С-реактив оқсил (СРО) даражаси физиологик меъёер чегарасида бўлиб (6,35±0,51 мг/л), 2- асосий гуруҳ аёлларда СРО даражаси сезиларли даражада ошган, (6,35±0,51 мг/л билан таққосланганда 56,04±0,21 мг/л ни ташкил этган ва 8,82 мартага ошиш ($p < 0,001$) кузатилган). 3-таққослаш гуруҳ аёлларда эса СРО даражаси 6,35±0,51 мг/л га нисбатан 35,18±0,81 мг/л бўлиб, 5,54 мартага ошган ($p < 0,001$), (3-расм).




3-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги оналарнинг С-реактив оқсил натижаларининг солиштирма таҳлили (n = 115).

Турли хил функционал ва органик зарарланишлар иммунитет тизимининг фаолиятидаги ўзгаришлар, шу жумладан цитокин ҳолатидаги ўзгаришлар билан бирга келади. Цитокин ҳолатини баҳолаш учун биз IL-6, IL-10 ва TNF- α ни танладик. 2-гурӯҳдаги перинатал патологияси бўлган янги туғилган чақалоқларда IL-6 миқдори $130,9 \pm 6.30$ пг/мл ни ташкил этганлигини кўрсатди, бу соғлом янги туғилган чақалоқларда худди шу кўрсаткичдан (3.40 ± 0.51 пг/мл) 38,50 марта ишончли даражада юқори ($p < 0,001$). IL-10 цитокиннинг параметрлари $14,2 \pm 0,72$ пг/мл бўлганлиги аниқланди, бу назорат гуруҳига қараганда 1,28 баравар юқори. TNF- α про-яллиғланиш фактори сифатида ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, ушбу цитокин 2-гурӯҳда $23,9 \pm 2,30$ пг/мл бўлган, бу соғлом янги туғилган чақалоқлар параметрларидан 10,08 баравар юқори - $2,37 \pm 0,23$ пг/мл ($p < 0,001$). Назорат гуруҳининг ушбу параметрларига нисбатан IL-6 38,50 марта, IL-10 1.28 марта ва TNF- α 10.08 марта ($p < 0.05$ - $p < 0.005$) ўсиш кузатилди. Шунингдек, 3-гурӯҳ чақалоқлар қон зардобида цитокин ҳолати ўрганилди ва солиштирма таҳлил қилинди. Натижалар шуни кўрсатдики, текширилган беморларнинг қон зардобида IL-6 ва TNF- α про-яллиғланиш цитокинлари мос равишда $4,56 \pm 1,03$ пг/мл ва $3,37 \pm 1,03$ пг/мл ни ташкил этди, ($p > 0,05$) бу назорат гуруҳининг қийматлари даражасидан сезиларли фарқ қилмади (4-расм).



4-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги туғилган чақалоқларининг цитокин статуси таҳлили, пг/мл (n = 115)

Шундай қилиб, ўз вақтида стандарт муолажани олган оналарнинг аралаш генезли МНСнинг перинатал зарарланиши ташхиси билан туғилган чақалоқлар қон зардобида цитокин ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, про-яллиғланиш цитокинлари IL-6 ва TNF- α миқдори 2-гурӯҳдаги назорат гуруҳ даражасида қолди, улардан сезиларли фарқ қилмади ($p > 0,05$), аммо яллиғланишга қарши цитокин IL-10 параметрлари нафақат назорат гуруҳ маълумотларига нисбатан (5,52 марта, $p < 0,001$), балки 2-гурӯҳ параметрларига нисбатан ҳам сезиларли даражада (4,32 марта, $p < 0,001$) ошди (5-расм).



5-расм. Асосий гуруҳдаги чақалоқлар цитокин концентрациясининг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан кўплиги фарқлари, неча марта (n = 85)

Диссертациянинг «Текширув гуруҳидаги ҳомиладор аёлларнинг функционал-диагностик кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобида 115 нафар аёлнинг УТТ, доплерометрия, ҳамда плацентанинг морфологик текширув натижалари келтирилган.

Ҳомиладорликнинг 5-11 ҳафталаарида ўтказилган бачадон артериялари доплерометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили ўтказилганда 2- ва 3-гуруҳларда PI индексида назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли ўзгаришлар кузатилди яъни мувофиқ равишда 1,5 марта ва 1,1 мартага камайиш аниқланди, ҳомиладорлик эрта муддатларида бачадон артерияларида қон оқими юқори қаршиликка эга бўлади (томирлар спирал шаклда ва тор, хорион ворсинкалари эндигина бачадон деворларига ўсиб кираётган бўлади), шунинг учун пульсацион индекс нормада эрта муддатларда юқори кўрсаткичга эга бўлади, бу гестацион муддатда PI нинг пастлиги норма эмас, бундай ҳолат плацентация бузилишлари ва фето-плацентар етишмовчилик ҳамда ривожланаётган ҳомилада фетал гипоксия ривожланиш хавфининг юқорилигидан далолат беради (4-жадвал).

4-жадвал

Ҳомиладорликнинг 5–11 ҳафталаарида тадқиқот гуруҳларида бачадон артериясидаги доплерометрик кўрсаткичларнинг солиштирма таҳлили (n = 115)

Гуруҳлар	a.uterina dextra			a.uterina sinistra		
	PI	RI	SDO	PI	RI	SDO
1-назорат гуруҳ, n=30	1,72±0,12	0,64±0,03	5,58±0,29	1,76±0,12	0,64±0,03	5,68±0,29
2-асосий гуруҳ, n= 41	1,17±0,04 ^a	0,70±0,02	5,22±0,09	1,14±0,04 ^a	0,66±0,01	5,30±0,10
3-таққослаш гуруҳ, n= 44	1,49 ±0,04 ^a	0,67±0,01	5,44±0,07	1,35±0,06 ^a	0,67±0,01	5,44±0,09

Изоҳ: а – физиологик ва патологик ҳомиладорлик ҳолатидаги беморларда ўрганилган кўрсаткичларнинг ишончли фарқи (p <0,05); б – даволанган ва даволанмаган беморлар ўртасидаги кўрсаткичларнинг ишончли фарқи (p <0,05); 2- ва 3-гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичларнинг ишончли фарқи (p < 0,05).

11-14 хафтада ўтказилган доплерометрия натижаларига асосан 2- ва 3-гурҳларда ўнг бачадон артериясида PI кўрсаткичи мос равишда 1,59 ва 1,47 марта камайган. Чап бачадон артериясида PI кўрсаткичи мос равишда 1,82 ва 1,4 марта камайган (5-жадвал).

5-жадвал

Тадқиқот гуруҳидаги аёлларда ҳомиладорликнинг 11-14хафтасида ўтказилган доплерометрия текшируви кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили, (n=115).

Гуруҳлар	a.uterina dextra			a.uterina sinistra		
	PI	RI	SDO	PI	RI	SDO
1-г, n=30	1,96±0,05	0,76±0,01	5,32±0,05	1,99±0,04	0,75±0,01	5,29±0,04
2-г, n= 41	1,23±0,06 ^a	0,71±0,01	5,10±0,05	1,09±0,04 ^{а,б}	0,73±0,01	5,10±0,06
3-г, n= 44	1,33±0,07 ^a	0,74±0,01	5,14±0,03	1,42±0,06 ^a	0,77±0,01	4,96±0,05

Изоҳ: а – физиологик ва патологик ҳомиладорликдаги беморларда ўрганилган кўрсаткичларнинг ишончилиги ($p < 0.05$); б – даволанган ва даволанмаган беморлар ўртасидаги солиштирма кўрсаткичларнинг ишончилиги ($p < 0.05$); 2- ва 3-гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичларнинг ишончли фарқи ($p < 0.05$).

Ҳомиладорликнинг 20-23 хафталаарида доплер текшируви ўтказилган натижаларига кўра, киндик артериясида пульсацион индекси (PI) кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 2-гуруҳда 1,37 марта ва 3-гуруҳда 1,10 марта ошган. Бу плацентар етишмовчиликдан дарак беради. Ҳомиланинг ўрта мия артериясидаги қон оқими норматив кўрсаткичлардан ўзгармаган, фақат PI индекси назорат гуруҳига нисбатан 2-гуруҳда 1.04 марта ва 3-гуруҳда 1.02 марта пасайган ҳолда қолган. Демак, ушбу гестация муддатида гемодинамик бузилишлар фақат бачадон артериясида эмас, балки киндик артериясида ҳам рўй бермоқда. CPI 2-асосий гуруҳда 1,04; 3-таққослаш гуруҳида эса 1,33 ни ташкил этди (нормада бу > 1 бўлиши керак), (6-жадвал).

6-жадвал

Ҳомиладорликнинг 20-23хафтасида ўтказилган доплерометрия текшируви кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили, (n=115).

Ҳомиладорликнинг 20-23 хафтаси						
Гуруҳлар	Киндик артерияси			Ўрта мия артерияси		
	PI	RI	SDO	PI	RI	SDO
1-гр	1,42±0,05	0,73±0,01	4,09±0,04	2,13±0,03	0,81±0,04	3,93±0,02
2-гр	1,95±0,06 ^a	0,75±0,01	4,00±0,10	2,04±0,03	0,80±0,01	3,90±0,02
3-гр	1,57±0,05 ^a	0,82±0,01	4,01±0,06	2,09±0,03	0,81±0,02	3,90±0,02

Изоҳ: а – физиологик ва патологик ҳомиладорликдаги беморларда ўрганилган кўрсаткичларнинг ишончилиги ($p < 0,05$); б – даволанган ва даволанмаган беморлар ўртасидаги солиштирма кўрсаткичларнинг ишончилиги ($p < 0,05$); 2 ва 3-гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичларнинг ишончли фарқи ($p < 0,05$).

30-33 хфта мuddатларида ўтказилган доплерометрия маълумотларидан кўришиб турибдики, хомиланинг киндик артериясида PI (2-гуруҳда 1,4 марта, 3-гуруҳда 1,14 марта) ва RI (2-гуруҳда 1,42 марта, 3-гуруҳда 1,2 марта) кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан солиштирма жиҳатдан ошган бўлиб, бу плацента томирлари қаршилиги ошганлигини кўрсатиб, плацентар этишмовчилик белгиси бўлиб хисобланади. Хомиланинг ўрта мия артериясида PI кўрсаткичи 2-гуруҳда назорат ва таққослаш гуруҳларига нисбатан мос равишда 1,2 марта ва 1,1 марта га пасайган, RI эса 1,2 ва 1,04 марта камайган ҳолда статистик жиҳатдан ишончли фарқ кўрсатган. Демак, хомиладорликнинг учинчи триместрида асосий ўзгаришлар киндик ва хомила ўрта мия артериясида кузатилади CPI: 1-назорат гуруҳида: 1,37; 2-асосий гуруҳда: 0,77; 3-таққослаш гуруҳида: 1,1 ни ташкил этган (7-жадвал).



7-жадвал

Хомиладорликнинг 30-33хфатсида ўтказилган доплерометрия текшируви кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили, (n=115).


Гуруҳлар	Киндик артерияси			Бачадон артерияси			Ўрта мия артерияси		
	PI	RI	SDO	PI	RI	SDO	PI	RI	SDO
1-назорат г, n=30	1,15± 0,09	0,65± 0,01	2,82±0, 13	0,8±0, 03	0,76 3±0,0 4	6,53± 0,06	1,58±0 ,03	0,88± 0,01	3,18±0 ,03
2-асосий г, n= 41	1,74± 0,04	0,79± 0,02	2,04±0, 10	0,97±0 ,02	0,83± 0,01	6,36± 0,08	1,35±0 ,03	0,73± 0,01	2,73±0 ,03
3- таққослаш г, n=44	1,31± 0,03	0,71± 0,01	2,68±0, 04 ^a	0,92±0 ,02	0,82± 0,02	6,34± 0,06	1,45±0 ,04	0,84 ±0,01	3,06±0 ,04

Изоҳ: а – физиологик ва патологик хомиладорликдаги беморларда ўрганилган кўрсаткичларнинг ишончилиги (P <0,05); б – даволанган ва даволанмаган беморлар ўртасидаги солиштирма кўрсаткичларнинг ишончилиги (P <0,05); 2- ва 3-гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичларнинг ишончли фарқи (P <0,05).

Назорат гуруҳидаги беморларнинг плацента тўқимасида ҳеч қандай морфологик ўзгаришларни аниқламадик: плацента дисксимон шаклга эга, диаметри тахминан 17,5±2,30 см, марказий қисмида қалинлиги 2-3 см ва вазни тахминан 525±30 грамм. Котиледонлар сони одатда 14 дан 29 гача эканлиги кўрилди. Киндик тизимчаси плацентанинг марказий қисмига бириккан ва узунлиги тахминан 50-60 см эканлиги аниқланди. Бизнинг кузатишларимизда 54 та ҳолатдан 47 тасида фетал гипоксия хомиладорлик пайтида, фақат 7 та ҳолатда тўғридан-тўғри туғруқ пайтида содир бўлган (6-расм).



6-расм. 38 хафтали физиологик кечган (1) ва енгил ва ўрта даражали гипоксия (2) хомилдорлик ва туғруқдан кейинги плацента тўқималари. Ворсинкалараро бўшлиқ она қони билан тўлган. Гематоксилин-эозин билан бўялган.Об:10x20



7-расм. Фетал гипоксия хавфи бўлган аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш ва туғруқ усулини танлаш алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

1. Фетал гипоксиясининг асосий ва ишончли хавф омиллари бўлиб: турли даражадаги сурункали камқонлик (2-чи ва 3-чи гуруҳларда 59,3% ҳолларда учраган — назорат гуруҳига нисбатан 2,8 марта кўп); оғир преэклампсия (21,5% ҳолларда — назорат гуруҳига нисбатан 1,3 марта кўп); жинсий аъзоларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари (2-чи асосий гуруҳда 17% ҳолларда аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 1,5 марта юқори) ва бу ўз навбатида индивидуаллаштирилган алгоритм ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади;

2. D-димер микдорининг ошиши (2-гуруҳда 3,34 марта ва 3-гуруҳда 2,85 марта; $P < 0,001$) қон ивиш тизимидаги бузилишларнинг мавжудлигидан далолат беради, СРО ортиши (мос равишда 8,82 ва 5,54 марта; $P < 0,001$), ЭЧТнинг (мос равишда 1,86 ва 1,48 марта; $P < 0,05$) ва лейкоцитлар сонининг (мос равишда 1,21 ва 1,08 марта; $P < 0,05$) ортиши эса яллиғланиш жараёнининг фаоллашганлигини кўрсатади. Ҳомиладорликнинг 5-14 ҳафталаарида бачадон артерияларида (PI) нинг пасайиши ва 20–23 ҳафталаарида киндик артерияларида гемодинамик бузилишлар пульсацион индекси (PI) ва резистентлик индекси (RI)нинг ошиши (2-гуруҳда 1,37 марта ва 3-гуруҳда 1,10 марта назорат гуруҳига нисбатан) фетоплацентар етишмовчиликнинг кучайиб боришини англатиши мумкин. Бу ҳолат, ўз навбатида, фетал ва кейинчалик (ГИЭ) ривожланиш хавфини оширади. Шу боис, мазкур кўрсаткичлар асосида профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади;

3. Хомила ўМАсида RIнинг ($> 0,7$ “brain-sparing effect”) ва PI ($< 1,30$) нинг пасайиши, киндик артериясида эса бу кўрсаткичлар ошиши, шунингдек СРІнинг 0,8 дан паст бўлиши (red-line) хомила гипоксиясининг маркерлари ҳисобланади ҳамда ҳомиланинг туғруқ стрессига компенсацион механизмлари сусайганини кўрсатади. Ушбу доплерографик кўрсаткичлар оператив туғруқни танлашда муҳим меъерий критерийлар сифатида хизмат қилди. 26,9% ($n=31$) ҳомиладор аёлларда кесарча кесиш амалиётини ўтказиш ГИЭ ривожланиш хавфини 2,1 мартага камайтиришга имкон берган бўлиб, бу уларнинг юқори прогностик аҳамиятини тасдиқлайди;

4. Комплекс профилактик терапия ўз вақтида ўтказилганда, 3-гуруҳга кирувчи чақалоқларда яллиғланиш цитокинлари — IL-6 ва TNF- α микдори назорат гуруҳи кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан фарқ қилмаган ($P > 0,05$), аммо IL-10 (яллиғланишга қарши цитокин) кўрсаткичлари 1-гуруҳга нисбатан 5,52 марта ($P < 0,001$) ва 2-гуруҳга нисбатан 4,32 марта ($P < 0,001$) юқори бўлган. Бу ҳолат оналарга ўз вақтида ва тўғри профилактик даво чоралари кўрилганда, янги туғилган чақалоқларнинг иммун тизимига ижобий таъсир кўрсатишини, яллиғланиш жараёнини пасайтиришини ва цитокинлар синтези интенсивлигининг ўзгаришлари орқали 3-гуруҳда гипоксия белгиларини 38,4%га камайтириши исботланди;

5. Ҳомиланинг гипоксия ҳолатини ва ГИЭ ривожланишини башорат қилишдаги кўрсаткичларни эрта муддатларда комплекс тадқиқ қилиш, гестация муддатларига мос ҳолда мониторинг юритиш, даволашни ўз вақтида бошлаш, туғруқ вақтини ва усулини тўғри танлаш, шунингдек янги туғилган чақалоқларнинг иммун ҳолатини ўрганиш ГИЭ ривожланишини II асосий гуруҳда 80,2% га ва III асосий гуруҳда 90,5% га камайтиргани исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

БОЛТАЕВА МАЛИКА МИРАЛИЕВНА

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ И РАННЕЙ
ДИАГНОСТИКИ ФЕТАЛЬНОЙ ГИПОКСИИ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ
ПЕРИНАТАЛЬНОЙ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ГИПОКСИЧЕСКОГО -
ИШЕМИЧЕСКОГО ГЕНЕЗА**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за № В2023.3. PhD/Tib3684

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сино.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Негматуллаева Мастура Нуруллаевна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримова Нилуфар Набижановна**
доктор медицинских наук, профессор

Старцова Надежда Михайловна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный медицинский университет**

Защита диссертации состоится « ___ » _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/.30.04.2022.Tib.93. при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Гиждуван, дом 23. Тел./факс: +99865 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail:buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Гиждуван, дом 23. Тел./факс: +99865 223-00-50, Web сайт: www.bsmi.uz, e-mail:buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки № __ « ___ » _____ 2025 года).

Д.Т. Ходжиева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), профессор

Г.А. Ихтиярова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Гипоксически-ишемическая энцефалопатия (ГИЭ) — это актуальная патология, способная вызвать серьёзные повреждения головного мозга новорождённого и связанных с ним органов. Данное заболевание, как правило, развивается в результате гипоксии и ишемии, возникших в пренатальном или интранатальном периоде. ГИЭ представляет собой серьёзную угрозу для здоровья новорождённых. «...при гипоксически-ишемических поражениях головного мозга средней и тяжёлой степени в перинатальном периоде в центральной нервной системе фиксируются необратимые структурные изменения, что, в свою очередь, приводит к развитию необратимых осложнений. Указанные клинические изменения практически всегда сопровождаются задержкой психомоторного развития у ребёнка в той или иной степени...».¹ По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), перинатальная асфиксия составляет до 23% от общего числа глобальных показателей младенческой смертности, что подчёркивает важность ранней диагностики и профилактики.

Несмотря на наличие множества клиничко-лабораторных методов определения степени тяжести при диагностике ГИЭ в мире, специальных тестов для окончательного подтверждения или исключения данного диагноза не существует. Результаты многочисленных экспериментальных и клинических исследований, направленных на изучение механизмов неонатального повреждения головного мозга после гипоксической ишемии, указывают на важную патогенетическую роль воспалительного процесса в нейронах при ГИЭ.

В нашей Республике гипоксически-ишемическое поражение головного мозга в перинатальном периоде остаётся одной из основных причин смертности новорождённых и, в дальнейшем, — ведущим фактором развития тяжёлых патологий центральной нервной системы, приводящих к инвалидности. «...если ещё несколько десятилетий назад шансы на выживание недоношенных детей были крайне низкими, то благодаря современным достижениям в неонатальной помощи, профилактике острой и хронической гипоксии плода, а также предотвращению летальных исходов, значительно возросла возможность выхаживания и адаптации таких детей к жизни...»² Несмотря на достигнутый прогресс в системе здравоохранения Узбекистана, в том числе в области акушерской помощи, частота перинатальной патологии остаётся высокой — около 60,5% — и на сегодняшний день не демонстрирует устойчивой тенденции к снижению. В этой связи настоящее диссертационное исследование в определённой степени направлено на реализацию задач, обозначенных в ряде нормативно-правовых документов, в частности: указе

¹ Di Muzio B, Kusel K, Sharma R, et al. Neonatal hypoxic-ischemic encephalopathy. Reference article, Radiopaedia.org (Accessed on 23 Jul 2025) <https://doi.org/10.53347/rID-12856>

² Мамадалиева, С., Алиев, М., Мамадалиев А. (2022). Перинатальные поражения центральной нервной системы и их последствия. Журнал вестник врача, 1(2),

Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП–60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы»³, указе Президента от 12 ноября 2020 года № УП–6110 «О внедрении принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и повышении эффективности проводимых реформ в системе здравоохранения», постановлении Президента от 12 ноября 2020 года № ПП–4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья за счёт повышения эффективности профилактических медицинских мероприятий», Постановлении Президента от 20 июня 2017 года № ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию системы специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативных актах, регулирующих данную сферу.

Соответствие исследований приоритетам развития науки и техники в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетным направлением развития науки и техники республики «Медицина и фармакология».

Уровень изученности проблемы. В настоящее время перинатальное поражение центральной нервной системы (ЦНС) у новорождённых стало одной из ключевых проблем перинатологии во всём мире. По мнению ряда исследователей, гипоксически-ишемические повреждения центральной нервной системы у плода и новорождённого лежат в основе развития неврологической патологии и могут определять особенности их последующего развития в раннем детском возрасте (Annink K., Burns-Benggon J., Kim P., 2019; Maiwald C., Rudiger M., 2022; Reis H., 2024).

Гипоксически-ишемическое поражение центральной нервной системы является одной из наиболее прогностически неблагоприятных патологий среди других неврологических заболеваний, поскольку в дальнейшем у таких детей нередко наблюдаются тяжёлые формы инвалидизации и трудности социальной адаптации (Ануриев А.М., Блинов Д.В., Горбачев Б.И., Корсакова С.С., 2019; Липатов И.С., 2021).

